



# MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

---

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqldir.

---



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Муҳаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети хузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчisi
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин шилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартағи 03-07/1503-сонли холосаси асосида тайёрланди.

## МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova. Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари .....3
- Shoislom Akmalov. Янги Ўзбекистон маърифий такомилида илмий марказларнинг ўрни .....12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov. “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари .....19
- Nematulla Nasrullahov. Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзих” асари манбалари хақида .....29
- Muhabbatkhon Agzamova. “Тарих ар-Русул вал-мулук” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши .....41
- Nigora Khakimova. “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши ...48
- Bakhodir Daminov. Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили .....55
- Bakhodir Pirmukhamedov. Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси .....65
- Akhmadkhan Alimov. Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси .....72
- Abdulaziz Yakhshilikov. Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари .....83
- Ikhtiyor Abdurahmonov. “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи .....91
- Mamatjon Erkayev. Ижара ақди билан бөлгик оятлар таҳлили .....98
- Nodir Shomirzayev. Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи .....107
- Ulugbek Jorayev. Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили .....118
- Jasurbek Abduqodirov. The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan .....124
- Pirnazar Rajapov. Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) .....130
- Абу Мансур Мотуридий (тарихий романдан парча) .....140

Nigora J. YUSUPOVA,  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Professor of ICSO Department for  
Islamic Studies and Islamic Civilization, (DSc).  
11, A. Kadiri str 100011,  
Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru](mailto:nigora.jaloliddin.qizi@mail.ru)

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/1

## ИСЛОМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАМОЙИЛЛАРИ

### UNIQUE PRINCIPLES OF GENDER EQUALITY IN ISLAM

### СВОЕОБРАЗНЫЕ ПРИНЦИПЫ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В ИСЛАМЕ

#### КИРИШ

Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми ҳисобланган аёл ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини кафолатлаш, уларнинг камситилиши, оиласавий зўравонликлардан ҳимоя қилиниши, шунингдек мазкур соҳанинг илмий-назарий, ҳуқукий ҳамда институционал механизмларини тизимли ривожлантириш масаласига барча даражадаги давлат органлари томонидан жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жумладан, гендер тенглиги, жинсий камситишларни бартараф этиш, хотин-қизларни турли майший зўравонликлардан ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳуқукий механизмларини шакллантириш йўналишида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, аёл ҳуқуқларини чуқур таҳлил қилиш, норматив-ҳуқукий ҳужжатларда гендер тенглиги нуктаи назаридан уларнинг экспертизасини ташкил этиш, хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари ролини ошириш каби йўналишлардаги тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, аёл ҳуқуқлари факат юридик ҳолат эмас, балки, аёл ҳуқуқлари сиёсат билан, маънавият ва маърифат билан, диний эътиқод ва фалсафа билан, жамиятдаги турли ўзгаришлар билан bogliq ҳолатидир.

Шу нуктаи назардан, ислом ҳуқуқи нормаларида аёллар масаласининг умумижтимоий жиҳатлари, ижтимоий-тарихий негизларини, унинг маданий-маънавий хусусиятларини ҳамда ислом таълимотида аёллар масаласини ҳал этишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқукий, маърифий-ташкилий жиҳатдан ўзига хослигини ҳуқукий нуктаи назардан ўрганиш ўзига хос масаладир. Ислом таълимоти аёлга унинг жинсига, биологик тузилишига қараб ҳақ-ҳуқуқ берди ва шу билан бирга вазифаларини ҳам тайин этди. Ислом таълимоти аёлни ҳаётнинг барча жабҳаларида: илм олишда, меҳнат қилишда, жамият тараққиётида қатнашишда, мол-мулкка эгалик қилишда ҳам эркак билан тенг ҳуқуқли қилди.

#### АСОСИЙ ҚИСМ

Биз аёл ҳуқуқларига доир ислом ҳуқуқидаги назарий муаммоларни таҳдил қиласр эканмиз, ислом ҳуқуқидаги аёл ҳуқуқларига ёндашувида ўзига хос жиҳатлар мавжудлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ.

Биринчидан, исломда аёл билан эркакнинг тенглиги ҳақида тушунча мавжуд бўлса ҳам, унинг бунга ёндашувидаги ўзига хослик баъзи бир омиллар билан тушунтирилади. Яъни, ислом ҳукукида эркак ва аёл шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга бир хилда эгалиги эътироф этилади. Масалан, аёлнинг эркак каби шаъни, обрўсининг муҳофаза қилиниши, меҳнат қилиши, шахсий мулкка эга бўлиши, ворис бўлиши, мерос қолдириши, юкори мансабни эгаллаши (масалан, қози бўлиши), суд ишларида гувоҳ сифатида иштирок этиши, сайловларда қатнашиши (*байъат*) ва шунга ўхшаш ҳуқуқларга эга экани тан олинади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқлар ўртасида баъзи тафовутларни кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби сифатида аёлнинг жисмоний хусусияти ҳамда унинг жамиятдаги ўрни ва иштирокининг даражаси кўрсатилади.

Аёлларда баъзи жисмоний хусусиятлар борлиги учун унга енгилликлар яратилган. Масалан, эркак киши ҳар қандай ҳолатда ибодатларидан озод қилинмаса, аёл ҳайз ва *нифос* ҳолатларida ибодатлардан озод қилинади, шунингдек

**Аннотация.** Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизлар ҳаётининг умумиётимоий жисъатлари, унинг маданий-маънавий хусусиятларини ҳамда оиласи муносабатларни йўлга қўйишинг ижтимоий-иқтиносидий, ҳуқуқий, маърифий-ташиклий жисъатдан ўзига хослигини ҳар томонлама ўрганиши долзарб масалалардан биридир. Масаланинг долзарблиги шундаки, биринчидан, жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек халиқи маънавиятини, жумладан, диний саводхонлигини согломлаштириши жасаённида ислом таълимотининг аёллар масаласига оид қоидаларини шимий таҳтил қилиши ижтимоий зарурятдор. Иккинчидан, бугунги кунда аёлларнинг оиласи ва жамиятда тутган ўринларини янада оширишида шариат кўрсатмаларини ўрганиши орқали ечимни топши лозим бўлган масалаларда улардан фойдаланиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан ушибу мақолада минтақада қадимдан анъана сифатида қаралган ислом таълимотида белгиланган аёл ҳуқуқларининг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий-иқтиносидий, маънавий-маданий асослари Қуръони карим ва ҳадисларда белгиланган нормалар орқали ёритилган. Шунингдек, мақолада аёлларнинг ислом ҳуқуқида тартибга солинган оиласи муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқлари, жамиятдаги мавқелари, меҳнат қилишига оид ҳуқуқлари, ижтимоий, иқтиносидий ҳуқуқларига оид қоидалар ўрганилган. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив ҳужжатларда белгиланган аёл ҳуқуқларига оид вазифаларнинг маънавий, ҳуқуқий, тарбиявий, таълими омиллари таҳтил қилинган.

**Калит сўзлар:** Қуръон, ҳадис, аёл, гендер, оила, ислом ҳуқуқи, менглик, полигамия, нафақа, маҳр.

**Abstract.** Today, a comprehensive study of social aspects, cultural and spiritual, as well as socio-economic, legal, educational, and organizational features of the women's issue in our country is one of the most pressing issues. The relevance of the issue is that, first of all, at the present stage of development of our society, it is socially necessary to conduct a scientific analysis of the Islamic doctrine regarding women's issues in the process of increasing the spirituality of the uzbek people, including religious literacy. Secondly, analyzing and studying the basic principles of Sharia norms, it is necessary to correctly use this knowledge to improve the role of women in the family and society, which is very important today.

In this regard, this article highlights the essence and characteristics, as well as the socio-economic, spiritual, and cultural foundations of women's rights in Islam using the example of the verses of the Qur'an and Hadith, which were considered in the region as traditions. The article also examines the family rights and obligations of women regulated in Islam, the status of women in society, the right to work, and social and economic rights. It analyzes the spiritual, legal, and educational factors of women's rights outlined in regulatory acts adopted in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** Qur'an, hadith, woman, gender, family, Islamic law, equality, polygamy, pension, mahr

**Аннотация.** На сегодняшний день комплексное изучение социальных аспектов жизни женщин, её культурных и духовных, а также установление семейных отношений в социально-экономическом, правовом, образовательном и организационном аспектах в нашей стране является одним из актуальных вопросов. Актуальность вопроса заключается в том, что, прежде всего, на современном этапе развития нашего общества социально необходимо провести научный анализ норм исламской доктрины относительно женского вопроса в процессе повышения духовности узбекского народа, в том числе религиозной грамотности. Во-вторых, анализируя и изучая основные принципы норм шариата необходимо правильно использовать эти знания при улучшении роли женщин в семье и обществе, что на сегодняшний день очень актуально.

В связи с этим в данной статье освещаются сущность и особенности, а также социально-экономические, духовные и культурные основы прав женщин, в исламе на примере аятов Корана и хадисов, которые рассматривались в регионе в виде традиций. В статье также рассматриваются семейные права и обязанности женщин, статус женщин в обществе, право на труд, социальные и экономические права регулируемые в исламе. Проанализированы духовные, правовые, образовательные факторы прав женщин, изложенные в нормативных актах, принятых в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** Коран, хадис, женщина, гендер, семья, исламское право, полигамия, обеспечение, маҳр.

исломда аёллар масжидга боришлиари мумкин. Пайгамбар (с.а.в.) даврларида аёллар масжидга боргандар, бироқ эркаклар Жума намозига боришлиари шарт бўлгани ҳолда, аёлларга мажбурий эмас. Демак, ислом аёл организмининг табиий вазифалари билан бөглиқ физиологик ва руҳий ўзига хослигини назарда тутиб унинг вазифаларини енгиллаштиради. Шу билан бирга,

аёлларнинг заифлиги боис оилани нафақа билан таъминлаш мажбурияти ҳам эркакка юклатилган.

Аёлнинг оилани моддий таъминлаш мажбуритидан озод қилингани ва унинг нафақаси болалигидан то вафотигача бошқаларга (ота-она, васий ёки ҳомий, эр) юклатилгани сабабли мерос масаласида аёлнинг улуши эркакницидан кам бўлган.

Иккинчидан, ислом хукукида аёлнинг битта эркакка никоҳланиши мумкинлиги уқтирилар экан, айни вактда эркакларга нисбатан полигамияга рухсат берилди (Абдулазиз Мансур, 2006:77). Биз ушбу мақолада ислом оила хукукидаги назарий муаммоларни таҳлил килар эканмиз, полигамия масаласини ҳам тарихий, ҳам бутунги кундаги мусулмон мамлакатлари оила конунчилигидаги ҳолат нуктаи назардан ўргандик. Бу масала кўп танқидга учраган мавзу бўлса ҳам, фикримизча, бу қараш давр нуктаи назаридан келиб чикканини инобатга олиш лозим. Полигамия ислом олиб келган янгилик эмас, бу муносабат ислом таълимоти туфайли юмшатилган бўлса ҳам, шарққа хос менталитет таъсирида ҳамда кўплаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳарбий омиллар туфайли ўша давр учун полигамия рухсат этилди ва аввалдан монтакада мавжуд кўпхотинлик қайсиdir маънода чегараланди. Асосий жиҳати полигамия бу рухсат (мубоҳ), бажарилиши мажбурий бўлган (фарз) кўрсатма эмас. Шунингдек, унинг оғир шарти сифатида Куръони каримда адолат зикр қилинган, адолатни инсон зоти бажара олмаслиги шариат манбаларининг ўзида қатъий таъкидланган (Юсупова Н., 2019:60).

Ушбу масалада аксарият ҳолларда Куръони каримда эркакларга тўрттагача уйланишга рухсат берилган, деган қараш масаланинг асл моҳиятини тушунтиришда муаммо борлигини кўрсатади. Назаримизда, бу масалани шарҳлашда инсонларни илмий асосланган хulosага эга бўлишлари учун уламоларнинг таҳлилий қарашларига таяномок керак.

Нисо сурасининг учинчи оятида тўрт нафаргача уйланишга рухсат берила туриб, дарҳол орқасидан “Агар улар ўртасида адолат ва тенгликни барқарор қила олмаслиқдан кўрксангиз, факат битта хотин билан кифояланинг”, дейилади. Яна шу суранинг 129-оятида: “Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар” (Абдулазиз Мансур, 2006:77), дейилади.

Демак, шариатда кўпхотинликка ҳеч қандай шарт-шароитсиз, тўғридан-тўғри рухсат берилган эмас. Кўпхотинлик шартларини бажариш гоят оғир масала. Аён бўладики, Куръони каримнинг ушбу масалага оид ояти исломгача бўлган даврда кенг тарқалган кўпхотинликни тартибга солиш учун нозил қилинган.

Якка никоҳлилик тамойили юксак ахлоқий қоидалардан келиб чиқмоги лозим. Бундай қоид

да жамият тараккиётининг ҳозирги боскичидаги никоҳ-оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Бу коиданинг бузилиши никоҳни ҳакикий эмас деб топишдан ташқари, конунни бузган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади.

Ислом хукукида аёл хукуклари борасида мазкур масалалар кўп тортишувлар мавзуси бўлса ҳам, эътироф этиш керакки, ислом таълимоти аёлларга муносабат борасида янгиликлар олиб келган ва у “инқилоб” нуктаси бўлган. Назаримизда, ислом хукукининг ўз тарихий шарт-шароитлари доирасидаги нормалари (масалан, аёллар хукуклари соҳасидаги баъзи чеклашлар) ни мутлақо ўзгармас нормалар сифатида қараш тўғри эмас. Зоро, жамият ривожланиб, тараққий этиб боради.

## МУХОКАМА

Умумий қилиб айтганда, ислом аёлларга раҳм-шафқат, меҳр кўрсатиш билан унинг мақомини кўтарди ва баҳтли ҳаёт кечириши учун қатор нормаларни жорий этди. Ушбу нормаларнинг бажарилиши Куръон оятлари ва Пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари орқали мустаҳкамланди.

Ислом хукукининг илоҳий манбалари бўлган Куръон ва суннатда аёлларга bogliq масалаларнинг ёритилиши ҳакида фикр юритганда айтиш мумкинки, Куръони карим ислом хукукининг асосий манбаи сифатида йўналтирувчи вазифани бажарган. Шу боис, ундаги оятлар масалани асосан умумий тарзда ёритади.

Куръони каримда аёл масаласига оид 309 та оят мавжуд бўлиб, улардан 161 таси Маккада ва 148 таси Мадинада нозил бўлган (Сайида Ислам ад-дин Каркар, 2004:72).

Аёллар масалалари билан bogliq Макка даврида нозил бўлган оятларни ўрганганда шундай хulosага келиш мумкинки, у даврда Куръон оятларининг асосий мавзуси куйидаги максадларга каратилган:

Жамиятда аёлларга нотўғри муносабатни, салбий ёндашувни йўқотиш. Бунда масала бир неча томондан таҳлил қилинган.

Биринчидан, аёлнинг инсон сифатидаги қадрини баҳолашга ургу берилган. Масалан, арабларда янги тугилган қизлардан ор қилиб, уларни тириклайн кўмиш одати бўлган. Бундан ташқари фарзандларни, шу жумладан, қизларни камбагалликдан қўрқиб ўлдиришган.

Қуръонда ушбу одатлар танқид остига олиниб, бундай караш ва амалиётлар кораланган (Абдулазиз Мансур, 2006).

Иккинчидан, аёлнинг хотин сифатида камситилиши, унинг таҳкирланиши ва унга ашёдек муносабатда бўлиш ўрнига унга нисбатан меҳршафқат билан муносабатда бўлиш тарғиб қилинган (Абдулазиз Мансур, 2006:175).

Учинчидан, она сифатида аёлга нисбатан хурмат-эхтиром таъминланди (Абдулазиз Мансур, 2006:284).

Бу ислом хуқуқининг асосий манбаи бўлган Қуръонда аёл масаласи ва хуқуқларига оид қарашларнинг умумлаштирилган кўриниши бўлиб, бу масалалар бошқа манбаларда ҳам мустаҳкамланган.

Маълумки, Қуръони каримда жумлаларни қисмларга ажратиб таърифлаш анъанавий бўлмаган. Ҳар бир тилда, жумладан, араб тилида ҳам, эркак кишилар ва хотин-кизларга мурожаат килганда соддагина хонимлар ва жаноблар дея қолишади. Аммо оятларни кўрганимизда, ҳар бир жинс вакилларининг тенглигини, Аллоҳ таоло хузурида хурматга сазоворлигини таъкидлаш мақсадида, айтайлик, эркак кишининг белгилари ва хусусиятларини тасифловчи сўзлар (сифатлар) беками-кўст, айнан аёлларга ҳам тегишли тарзда ифодаланади. Яъни, қуйидагича:

| Эркаклар       | Аёллар         |
|----------------|----------------|
| Муслим         | Муслима        |
| Мўмин          | Мўмина         |
| Итоатли        | Итоатли        |
| Ростгўй        | Ростгўй        |
| Сабрли         | Сабрли         |
| Тавозели       | Тавозели       |
| Садақа қилувчи | Садақа қилувчи |

Қуръондан сўнг кенг қамровли ва ҳажми катта бўлган манба бу Ҳадислар яъни суннатdir. Суннат Қуръон оятларини қўллаб-қувватлаш, Қуръон ҳукмларидағи баъзи ҳолатларни изоҳлаш, керак бўлса баъзи ҳукмларнинг амал қилиш доирасини чеклаш ёки кенгайтириш ва янги нормалар жорий қилиш вазифаларини бажарган. Масалан, Нисо сурасида аёлларнинг мерос улушлари кўрсатиб берилган бўлса ҳадисларда ҳам ушбу норма асосида Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳукм чиқарғанлигини кўриш мумкин (Бухорий, 1997:279–281). Шунингдек, ушбу сурада уйланиш ҳакида ҳукм келган, ҳадисларда эса уйланиш тартиби ва шакли ойдинлаштирилади.

Яъни мерос ҳакида оятда умумий ҳолда мерос тақсимоти ҳакида гап кетган бўлса, ҳадислар қонуний меросхўрга васият қилинмаслиги ҳамда васият мерос мулкнинг учдан бир кисми миқдоридан ошмаслиги кўрсатилган (Бухорий, 1997:279–280). Шу билан бирга, Нисо сурасида никоҳланиш тақиқланган аёлларни санааб ўтилган бўлса, ҳадисларда унга баъзи қўшимчалар киритилган ва баъзи никоҳ турлари таъкиланган (Бухорий, 1994:398–400).

Умумий ҳолда ҳадисларни ўргангандо, аёл хукуки борасида қуйидаги нормаларни кискача кўрсатишга ҳаракат килдик. Лекин бу – мақсадга эрищдик дегани эмас. Чунки, ҳадисларнинг ҳар хил йўллар билан бизгача етиб келиши, ҳадис тўпловчининг ўзига хос ёндашуви асосида қўлимиздаги ҳадис китобларидаги мавжуд ҳадисларни тўлиқ, деб бўлмайди. Биз мавзуни Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари асосида ўргандик. Унда етти ярим минг атрофида ҳадис бўлса, тақрорларини олиб ташлаганда икки ярим минг ҳадис колади. Маълумки, Имом Бухорий ушбу ҳадисларни юз минг ишончли ҳадис ичидан сайлаб олган. Демак, биз ҳадисларнинг фақатгина икки фоизи билан ишлаган бўламиз.

Демак, “саҳиҳ” яъни ишончли ҳадисларда биринчидан, аёлларнинг ижтимоий хуқуклари борасида аёлнинг эркаклар сингари билим олиш ҳуқуки эътироф этилади (Бухорий, 1991:41).

Иккинчидан, иктисидий хуқуклар борасида аёлнинг ҳуқукий лаёкати, яъни мол-мулкка эгалик килиш, мерос олиш каби хуқуклари, мумалала лаёкати ҳамда шахсий мулкини эркин тасарруф килиш хуқуклари тан олинади (Бухорий, 1993:19; 142; 186).

Учинчидан, оилавий муносабатлар доирасида никоҳ шартномасини тузиш, гувоҳлар, розилик каби шартлар, никоҳ шартномасида томонларнинг шартлар қўйиши, шартнома тузилганда валий (ҳомий ёки васий)нинг иштироки, Қуръонга қўра уйланиш тақиқланган аёл (маҳрам)лар турлари билан бирга бошқа қўшимча турлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, маҳрамликни юзага келтирадиган эмизишнинг шартлари, аёлларнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган маҳр, нафака ва мерос олиш каби мулкий хуқуклари, полигамия, тақиқланган никоҳ шакллари, масалан, вактинчалик никоҳ ҳамда ака-сингилнинг бошқа ака-сингил билан маҳрсиз уйланиши шарт қилинган никоҳ (шигор) нинг тақиқланиши, эрнинг аёлга нисбатан канадай муносабатда бўлиши, аёлнинг никоҳни бе-

кор қилиш ҳуқуқи (хуль), ажралишнинг бошқа турлари (лиъон), эри бедарак йўқолган аёл ҳуқуқлари ва насабни белгилаш шартлари баён қилинган (Бухорий, 1993:92).

Тўртинчидан, уруш ҳолатида, аёлларни иложи борича асрашга ҳаракат қилиниб, уларнинг ҳаж амаллари урушда иштирок этиши билан тенг эканли кўрсатилган. Шунга қарамасдан, аёлнинг урушларда жангчиларга ёрдам бериш мақсадида хамшира ёки озик-овқат етказиб берувчи киши сифатида иштирок этишига рухсат берилган. Лекин ҳар қандай ҳолатда уруш пайтида руҳонийлар, қариялар ва ёш болалар сингари аёллар ҳам ўлдириш тақиқланган (Бухорий, 1993:254–255; 294).

## НАТИЖА

Кўриб турганимиздек, ислом ҳуқуқининг асосий манбалари Қуръон ва суннатда аёл ҳуқуқлари ва улар билан bogliq масалалар атрофлича ёритилган бўлиб, улардаги нормаларнинг ҳаммасида аёл улугланган, унинг жамиятдаги ўрни кўрсатиб берилган ҳамда аёлларга кенг ҳуқуқлар берилган.

Аёл ҳуқуқлари муаммоларига доир юридик адабиётни таҳлил қиласар эканмиз, ислом ҳуқуқидаги аёл ҳуқуқларини ўрганишга хос хусусиятларини таъкидламасликнинг иложи йўқ.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келамиз:

*Биринчидан*, ҳуқуқий ҳамда диний нормаларни ўз ичига олган ислом ҳуқуқининг тузишини инобатга олиб, ушбу муаммони ҳам умумий нормалар даражасида, ҳам ҳуқуқий нормалар даражасида ўрганишни тақозо этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда исломда аёл ҳуқуқларини ислом ҳуқуқининг асл манбалари Қуръони карим ва ҳадислар асосида очиб бериш лозим.

*Иккинчидан*, ислом ҳуқуқи моҳиятига кўра фуқаролар ўртасидаги мулкий ва шахсий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқдир. Ушбу тизимдан келиб чиқиб исломда аёллар ҳуқуқий ҳолатининг мазмuni ислом ҳуқуқида мавжуд бўлган никоҳ, оила, ажралиш мерос, мулкий муносабатлар билан қўшиб ўрганилади.

*Учинчидан*, ислом ҳуқуқи нормаларининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ислом таълимотида аёлларнинг ҳуқуқий аҳволини очиб беришда ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ёндашиш зарур.

Чунки аёллар масаласи, аслида, умумижтимоий ҳодисадир, аммо унинг тадқиқот доираси аҳолининг алоҳида қатлами – аёлларнинг инсоний яшашини, меҳнат ва ижод қилишини, ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида қатнашишини, оиласий муносабатларда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш йўлларини ўрганишдир.

Шунинг учун илмий адабиётларда мавжуд бўлган ушбу ёндашувлар доирасидаги асосий йўналишларни белгилаб олишимиз зарур.

Ижтимоий-ҳуқуқий ёндашув доирасидаги йўналишларга аёллар масаласини урф-одатлар, миллий маданиятлар, ижтимоий институтлар, ҳуқуқ ва жамият билан boglab ўрганишларини киритиш мумкин. Ушбу қарашлар ва концепцияларни таҳлил қилган ҳамда замонавий муаммолар нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда исломда аёллар масаласини, бизнингча, қўйидаги йўналишлар:

- ислом ҳуқуқида аёлларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳволини;
- иқтисодий муносабатлардаги иштирокини;
- сиёсий тизимлардаги мавқейини;
- маданий ривожланиш ва диний ҳаётдаги ўрнини;
- оиласий муносабатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамлашдаги ўрнини ислом ҳуқуқининг асосий манбалари Қуръони карим ва ҳадислар асосида ўрганиш орқали тадқиқ этиши мумкин.

Шўро даврида Қуръони карим ва ҳадисларда белгилаб берилган, ислом ҳуқуқшунослари асарларида баён қилинган аёлга нисбатан адолат, бурч, мажбурият каби тушунчалар, оиласа муносабат, эрхотин, ота-она ва болалар ҳамда қариндошлар ўртасидаги муносабатлар, умуминсоний ахлоқ қадриятларидан келиб чиқсан асосий талаблар тўғрисида узоқ йиллар давомида оғиз очишга йўл қўйилмаган.

Ислом ҳуқуқи нормаларида ота-оналар ва болаларнинг маънавий бурчлари, эр-хотинлар ва оиласинг бошқа аъзолари ўртасидаги оиласий муносабат, кексалар ва етимларга ғамхўрлик қилиш, оиласи мустаҳкамлаш ва бошқа машиий муносабатлар нафақат умуминсоний қадриятларни, балки маҳсус шарқона ижтимоий-маданий, алоҳида ўзига хос тамойилларни ҳам ўзида мужассамлаганлиги билан аҳамиятлидир. Аммо минтақамизнинг давлат ва ҳуқуқ тарихи билан bogliq ислом ҳуқуқи таълимотидаги мазкур нормаларни шўролар ҳокимияти даврида нафақат ўрганишмаган ва тарғиб қилишмаган, аксинча, улар динга қарши кураш байробги остида ахлоқка зиён етказади, деб қаттиқ танқид остига олинган.

Ислом таълимотига кўра, эркак ва аёл тенгдирлар, улар ижтимоий ва дунёвий вазифаларни ўз эҳтиёжлари ва талабларига хос равища (яъни аёл – аёллик вазифасини, эркак – эркаклик вазифасини) адо этиши ва факатгина эзгу ишларга қўл уришлари лозим. Бу ҳақда Куръони каримнинг Бақара сураси 228-оятида: “Аёллар учун (белгиланган ҳукуклар) ўз меъёрида эркаклар (ҳукуки) билан тенгдир...”, шунингдек, Нисо сураси 19-оятида Аллоҳ таоло эркакларга қаратада: “Улар билан тутув турмуш кечиринглар”, деб буюради.

Ислом ҳукукида аёл оилавий муносабатга киришар экан унга ўз тақдирини белгилаш ҳукуки берилган. Бундан ташқари у оиласада тўла мумомала лаёкатига эга шахс сифатида мулкий ва номулкий ҳукукка эга. Исломда оила куришнинг энг асосий ва муқаддас шарти никоҳдир. Ислом ҳукуки нормаларида никоҳ масаласи атрофлича ишланган. Унда никоҳдан ўтиш шартлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб таниш асослари, эр ва хотиннинг ҳукуқ ва мажбуриятлари, никоҳдан ажралиш масалалари белгиланган. Ислом ҳукуки нормаларида белгиланган шартларнинг асосий мақсади соглом, пок никоҳ муносабатини вужудга келтиришдан иборат. Эр билан хотин ўртасидаги муносабатлар аёлнинг эрга ёки эрнинг аёлга иктисодий ҳамда юридик жиҳатдан қарамлиги асосида эмас, никоҳ иттифоқи билан bogланган ҳамда оилавий муносабатларда тенг ҳукуқ ва бурчларга эга бўлган шахсларнинг ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллабкуватлаши негизида курилади. Демак, биринчидан, ислом ҳукукида никоҳ бу – эркак ва аёлнинг ўз хошишини эркин ифода этиб, ихтиёрий тузган иттифоқи; ислом ҳукуки нормалари ҳар бир шахснинг ўз эркини ўз розилиги билан ифода этиш кобилиятига эга бўлишини назарда тутади; иккинчидан, никоҳланувчиларнинг ҳар бири никоҳга киришда ҳам, никоҳ давомида ҳам шахсий ва мулкий ҳукуклардан тенг фойдаланадилар; учинчидан, никоҳ – муқаддас, абадий ва умрбод иттифок бўлиб, унинг энг олий мақсади насл қолдириш ва болаларни тарбиялашдир. Ислом ҳукукида аёлларнинг оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ҳукук ва мажбуриятлари замонавий конунчиликдаги ҳукуклар билан ҳамоҳанг бўлиши билан биргалиқда бир катор ўзига хосликлар ҳам борки, улар асосан моддий таъминот, маҳр, мерос каби мулкий муносабатларда қўринади.

Ислом ҳукукининг оилавий муносабатлардаги карашларида умуминсоний қадриятлар ва инсонпарварлик гоялари, Шарққа хос ахлоқий тарбия тамойиллари ўз ифодасини топған. Ислом ҳукукидаги ахлоқ нормалари асосан патриархал типдаги ҳукук нормаларини ифодаласа ҳам, асли оиласи, эр хотин ҳаёти пойдеворини мустаҳкамлашга каратилган. Ислом оила ҳукукига кўра, эр оила бошлиги, масъул кишиси, оила бошқарувчисидир. Бу ҳақда Куръони каримнинг Нисо сураси 34-оятида: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиги сифатида доимий) коим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг бирлари (эркаклар)ни бирлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ килгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф килиб туришларидир. (Аёллар орасида) солихалари – бу (Аллоҳга) итоатли, гойибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларининг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир...” (Абдулазиз Мансур, 2006:84), дейилади. Шариат ҳукмига кўра эр аввало оиласидан барча молиявий тарафларига жавобгар бўлган, уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қиласидан шахсдир. Демак, Нисо сураси, 34-оятида келган “Эркаклар аёлларга раҳбардирлар” дейилиши бу мажбуриятга чақириқдир, улуглашга эмас. Чунки унинг зиммасига оила манфаатларини рӯёбга чиқаришдек масъулиятли вазифа юқлатилган. Шу ўринда мулоҳаза, исломда эрнинг оила боши сифатида эътироф этилиши, баъзи бир масалаларда унга устунлик берилиши, умуман эр хотиннинг тенглиги инкор этилади деган холосага олиб келмаслиги керак. Ислом таълимотига биноан хотиннинг эрга итоат килиши унинг шахсига сигиниш ва сўзсиз унга бўйсунишини англатмайди. Бу нарсани маънавий ҳурмат ва ўзаро ишонч, ўзаро меҳр-муҳаббат қўрсатиш нуқтаи назаридан тушунмок лозим. Эр билан хотин ўртасидаги муносабатлар аёлнинг эрга иктисодий ҳамда ҳукукий жиҳатдан қарамлиги асосида эмас, никоҳ иттифоқи билан bogланган ҳамда оилавий муносабатларда тенг ҳукуқ ва бурчларга эга бўлган шахсларнинг ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-куватлаши негизида курилади;

– ислом динидан аввалги даврларда аёл учун мулк берилмаган ва у фойда берадиган биронта мустакил иш килиш, ҳатто ворислик ҳукукидан ҳам маҳрум эди. Ислом дини эса аёлнинг эркакка бутунлай тобе эмаслигини, у ҳам эркак сингари мулкка эгалик килиши ва уни тасарруф этиши мумкинлигини жорий қилди;

– исломда аёлга аввало инсоний вужуд сифатида қаралади ва унинг ҳам худди эркаклар каби инсоний рух ва жон эгаси экани эътироф этилади: “Эй одамлар, сизларни бир жон (Одам) дан яратган ва ундан жуфти (Ҳаво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Раббингиздан кўркингиз!..” (Нисо сураси, 1-оят; Ҳужурот сураси, 13-оят) (Абдулазиз Мансур, 2006:77; 517). Ушбу оят орқали ислом маданияти аёлнинг инсоний фазилатларини тўла эътироф этди, унга таълим соҳасини кўрсатди, балогатга етгандан сўнг, барча ишларда тўла молиявий иқтиирдорни берди. Унинг эри ҳам, отаси ҳам унга тегишли бўлган нарсаларга ва ҳатто маҳрига ҳам дахлсизлиги кафолатланди. Ислом дини аёлга меҳнат қилишни ман этмади, балки, ўз табиатига муносиб ишларни танлаши лозимлигини уқтириди. Шу тариқа аёл оғир меҳнатдан асралди. Ислом таълимоти аёлнинг жамиятдаги ўзига хос ахволини ҳар томонлама ҳисобга олиш унинг ижтимоий ҳаётда тўлақонли иштирок этиш имкониятларини инкор этмайди, балки шу имкониятларнинг мақсадга мувофиқ ҳолда амалга оширилишини таъминлаш йўл-йўриқларини аниқлаб беради. Аёллар турмуш тарзининг майший хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар учун меҳнат фаолиятининг манфаатдорлик йўллари кўрсатилган. Бу нарса аёлнинг ижтимоий ҳимояси учун кафолат бўлиб хизмат қиласи;

– шунингдек, исломда аёлларнинг сиёсий ижтимоий ҳаётга алоқадор масалаларда ҳам ўз фикрини баён этишга ҳамда жамият аъзоларининг ҳаққуқуларини ҳимоя этишга ҳақли эканликлари, аёлларнинг жамият равнақи йўлида фаол иштирок этишларига замин яратди;

– ислом ҳуқуқи аёлларга жинсига, латофатига, биологик тузилишига қараб ҳақ-ҳуқуқларини берди ва шу билан бирга бир қатор вазифаларини ҳам тайин этди. Ислом ҳуқуқи аёллар жуссасининг заифлигини ҳисобга олиб, эркакларга оғирроқ масъулият юклади. Оилада қизларни боқиш, уларни кийинтириш, тарбиялаш, вояга етказиш ота ёки аканинг, улар бўлмаган тақдирда бошқа бир эр қариндошларнинг бурчи қилиб белгиланди. Кизлар вояга етиб турмушга чиққанларидан кейин бу масъулият эрларига юклатилади. Иқтисодий омил оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Аёл жинси хомиладорлик, бола туғиш ва уни парвариш қилиш жараённада ўзининг ва зурриётининг моддий эҳтиёжини қондириш учун эркин фаолият олиб бора олмайди. Бу вазифани эр

амалга оширади. Эркак оиланинг муҳофазасини таъминловчи, уни моддий таъминотчиси, меҳнат куролларининг, уй-жой, рўзгор ашёларининг эгаси, бундан ташқари ақлий ҳамда жисмоний томондан кучли бўлгани учун ҳам оиланинг раҳнамоси даражасига кўтарилади.

## ХУЛОСА

Ислом динининг жамиятдаги маънавий аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Ислом дини – кишилар ҳаётининг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирадиган жуда кўп инсоний меъёрларни қарор топтириб келди ва келмоқда. Мазкур меъёрлар ўз эътиборига қўра ахлоқнинг умуминсоний меъёрлари бўлиши билан бирга, диннинг ҳам ижобий ва инсоний мавқейини истисно этмайди.

Диний қадриятларнинг тикланиши – жамиятни маънавий согломлаштириш ва оиласи мустаҳкамлаш учун ижобий аҳамиятга эга. Бироқ унинг тамойил ва ақидалари юзаки ва нотўғри талқин этилганда хотин-қизларнинг оиласида ва жамиятда таҳқирланишига ҳам олиб келиши мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, сўнгги пайтларда айрим минтақаларда ислом ва шариат талаблари ниқоби остида хотинқизларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари камситилиб келинмоқда. Ҳозирги куннинг бундай иллатларини исломнинг маънавий-ахлоқий талаблари ниқоби остида оқлаш жамиятда “ислом ва хотин-қизлар” масаласига юзаки, жоҳилона муносабатда бўлишни қўллаб-куватлашдан бошқа нарса эмас.

Пайғамбар (с.а.в.): “Аёллар ва болалар билан бўладиган муносабатларингизда адолатли бўлинглар, зеро адолат исломда инсон камолининг белгисидир” (Муаллифлар жамоаси. Минг бир ҳадис, 1991:223), – деган. Шариат қонунларида тарғиб этилган бундай таълимот тифайли оиласида аёллар она, рафиқа, уй бекаси, опасингил сифатида қадрланади. Оталари, эрлари, ака ва укалари уларнинг ор-номусларини ҳимоя қилишган ҳамда моддий ва маънавий жиҳатдан мунтазам қўллаб туришган.

Исломда яхшилик ва ҳақгўйлик жамиятнинг ҳамма аъзоларига тааллуқли. Бу нарса биринчи навбатда оила ва асосан эр-хотин ўртасидаги муносабатларда шаклланмоги лозим бўлади. Бу ҳақда Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам кўп тўхталган.

Аллоҳ ҳар бир мусулмон кишига ўз аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлишни буюради.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг Арафот тогида қилған хутбасида шундай дейилади: “Эй инсонлар! Аёллар ҳақларига риоя этингиз. Улар билан меҳр-шафқат ила муомалада бўлингиз. Уларниң ҳақлари хусусида Аллоҳдан қўрқингиз! Аёллар сизларга тангрининг омонатидир. Уларни Аллоҳ номи билан олдингиз. Улар амри илоҳий ила сизларга ҳалол бўлди. Сизларнинг хотинларингиз устида ҳақларингиз бўлгани каби, хотинларингизнинг ҳам сизларда ҳақлари бор”. Абу Хурайра (р.а.)дан ривоят қилинган яна бир ҳадисда: “Аёл қовургадан яратилган бўлиб... Агар уни тўғрилашга ҳаракат қиласанг, синдириб қўясан... Бас, шундай экан, аёллар билан доимо яхшиликча маслаҳатлашингизлар!” (Бухорий, 1994:421), дейилади.

Аёлларнинг акл-идроқи, ор-номуси, ҳақ-хуқуқлари исломда улугланган экан, мустақил Ўзбекистонда соглом авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлаш, оналиқ ва болаликни муҳофаза этишдек муқаддас диний ва инсоний бурчларни адо этиш борасида бир катор амалий дастурлар ишлаб чикилди ва ҳаётта татбик килинди. Бугун мамлакатимизда 2019 йил 2 сентябрда кабул қилинган ЎРҚ-562-сонли “Хотин-қизлар ва эрқаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг конунида, 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам “Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-куватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш”, шунингдек “...хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-куватлашни янада кучайтириш...” каби вазифалар назарда тутилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ҳамда кўплаб норматив хужжатлар орқали хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқейини янада ошириш, иззатикромини жойига қўйиш, уларнинг огирини енгил қилиш масалалари давлат, хукумат, жойлардаги ҳокимликлар ҳамда кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси сифатида янги босқичда ривожлантирилмоқда. Чунки, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Зоро, ҳадиси шарифда ривоят килинишича, аёлларни факат карамли кишиларгина хурмат қиласи (Мухаммад Камол, 2000:85). Шу боис, исломда аёл хуқуқлари

билан боғлиқ масалаларнинг замонамиз учун аҳамиятли жиҳатлари, тарихий негизларини, маданий-маънавий хусусиятларини ижтимоий, иқтисодий, хукуқий, маърифий-ташкилий ўзига хослигини ислом хукукининг асосий манбалари ва диёримиздан етишиб чиккан факиҳларнинг илмий мероси асосида тадқиқ этиш ва одат хукуқи билан қиёсий ўрганиш мағкуравий курашлар авж олиб бораётган ҳозирги кун учун ўта зарур масаладир. Негаки, бугун президентимиз таъкидлаганидек, “...оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соглом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асрар вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият қасб этмоқда” (Мирзиёев Ш., 2017:119.).

### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулазиз Мансур. (2006). Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси.
2. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Бухорий. (1997). Ал-Жоме ас-саҳиҳ. Ж. 4. Тошкент: “Қ.Б.Т.”.
3. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Бухорий. (1994). Ҳадис. Ал-Жоме ас-саҳиҳ. Ж. 3. Тошкент: “Қомуслар бош таҳририяти”.
4. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Бухорий. (1991). Ҳадис. Ал-Жоме ас-саҳиҳ. Ж. 1. Тошкент: “Қомуслар бош таҳририяти”.
5. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Бухорий. (1993). Ҳадис. Ал-Жоме ас-саҳиҳ. Ж. 2. Тошкент: “Қомуслар бош таҳририяти”.
6. Машанов М. (1876). Мухамеданский брак в сравнении с христианским браком, в отношении их влияния на семейную и общественную жизнь человека. Казан.: Типо-и литография К.А. Тилли.
7. Мухамедов Р. (199). Аёл хуқуки қонун ҳимоясида. Тошкент: Қонун ҳимоясида.
8. Муаллифлар жамоаси. (1991). Минг бир ҳадис. Тошкент: Ўзбекистон.
9. Мухаммад Камол. (2000). Мусулмон аёлларга маслаҳатлар. Тошкент: “Мовароуннаҳр” нашриёти.
10. Сайида Ислам ад-дин Каркар. (2004). Қуръон оятларида аёл. Тунис: “Табъ бимаснаъ ал-китоб лиш-ширкат ат-тунисия лит-тавзизъ” нашриёти.
11. Юсупова Н. (2019). Ислом оила хуқуқи: пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтлари. Тошкент: “Сомплекс Принт”.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, № 4.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 29.12.2018.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжумандаги нутқи // Халқ сўзи, № 119. 16.06.2017.
6. Mashanov M. (1876). Muhammedan marriage and its comparison with Christian marriage, and the relationship between family and social life of a person. Kazan.: Tipo-i lithography K.A. Tilli.
7. Muhamedov R. (199). Ayol huquqi qonun himoyasida. Tashkent: Qonun himoyasida.
8. Muhammad Kamal. (2000). Tips for Muslim women. Tashkent: “Movarounnahr” publishing house.
9. Sayyida Ismat ad-din Karkar. (2004). A woman in the Qur’anic verses. Tunisia: “Tab’ bimasma’ al-kitab lish-shirkat at-tunisiya lit-tawzi” publishing house.
10. Yusupova N. (2019). Islom oila huquqi: paydo bo‘lishi, rivojlanishi, manbalari va institutlari. Tashkent: “Complex Print”.
11. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 28, 2022 No. PF-60 “On the new development strategy of Uzbekistan for 2022-2026” // Collection of legal documents of the Republic of Uzbekistan, No. 4.
12. The team of authors. (1991). Ming bir hadis. Tashkent: Uzbekistan.
13. Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis // Xalq so‘zi. 29.12.2018.
14. Speech of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the conference on “Ensuring social stability, preserving the purity of our holy religion - the need of the times” // Xalq sozi, No. 119. 06.16.2017.

## REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2006). Translation and interpretation of the meanings of the Holy Qur'an. Tashkent: “Tashkent Islamic University” publishing-printing association.
2. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (1997). Al-Jami' al-Sahih. Vol. 4. Tashkent.: “Q.B.T.”
3. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (1994). Hadith. Al-Jami' al-Sahih. Vol. 3. Tashkent: “Қомуслар бош таҳририяти”
4. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (1991). Hadith. Al-Jami' al-Sahih. Vol. 1. Tashkent: “Қомуслар бош таҳририяти”
5. Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail al-Bukhari. (1993). Hadith. Al-Jami al-Sahih. Vol. 2. Tashkent: “Қомуслар бош таҳририяти”



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-  
ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари,  
талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан қўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм

1/2023

*Бош мұхаррір:* Ж.Каримов

*Мұхаррір:* З.Фахриддинов

*Нашр учун масъул:* З.Арслонов

*Чет тилларидаги матнлар мұхарріри:* О.Сотвoldиев

*Дизайнер-саҳифаловчи:* З.Ғуломов

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.  
**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)  
**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босишига 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими  $60 \times 84 \text{ cm}$ .  
Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоги 10,2.  
Нашр табоги 10,4. Буюртма № 06.  
Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI  
INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

🌐 [www.maturidiyjournal.uz](http://www.maturidiyjournal.uz)

📞 +998971 244-35-36

✉️ @moturidiyuz

🌐 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

✉️ info@moturidiy.uz